



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 30 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 19 (13.616)

Баҳоси эркин нарҳда

ҚАШҚАДАРЁ:

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28 январь куни Қашқадарё вилоятига келди.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида Қашқадарё вилоятининг ўрни катта. Вилоятда 50 йирик саноат корхонаси, 57 қўшма корхона, 14 минг 960 дан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти, 20 минг 333 фермер, 19 минг 917 деҳқон хўжаликлари фаолият юритмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида қўллаб-қувватлаш лойиҳалари билан танишиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан зарур топшириқлар берган эди. Утган бир йилга яқин вақт мобайнида вилоятда иқтисодий тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги қувватларни ишга туширишни кўзда tutувчи қўллаб-қувватлаш лойиҳалар амалга оширилди.

Вилоятда 2017 йил ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 17 триллион 366 миллиард сўмни ташкил этди. Бандлик дастури доирасида 70 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. 2 минг 711, жумладан, саноатда 776, хизмат кўрсатишда 1 минг 115 ва қишлоқ хўжалиги йўналишида 820 та лойиҳа амалга оширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифини Яқкабоғ туманидаги мева-сабзавотни қайта ишлаш ва қadoқлашга ихтисослашган "Дармон шарбати" корхонаси фаолияти билан танишишдан бошлади.

Қашқадарё заминидега етиштирилган, қуёш нурига тўйинган, унумдор ва баҳаво ҳудудларда пишиб етилган сархил ноз-неъматлар гўя мазада ва фойдали дармондориларга бой бўлади. Шу боис бундай маҳсулотлар юртимизда ҳам, хорижда ҳам бирдек харадордир.

"Дармон шарбати" корхонаси 2017 йил август ойида ишга туширилган. Бу ерда кунига 12 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий, энергиятежамкор ускуналар бир кеча-кундузда 20 тоннагача мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга. Асосан олма, ошқовоқ ва сабзи шарбати тайёрланадиган. Келгусида узум, анор ва бошқа қатор сабзавот маҳсулотларини ҳам қайта ишлаб, шарбат тайёрлаш кўзда тутилган.

Президентимиз корхонадаги иш жараёни билан танишди. Бу ерда жорий қилинган замонавий технологиялар самарали иш жараёни ва юқори сифатли маҳсулот тайёрлашни таъминламоқда. Мева-сабзавотлар-

нинг табиий хусусиятлари сақлаб қолинган тайёр маҳсулот 1,5 ва 3 литрли маҳсус идишлар – аксептик пакетларга қadoқланади. Корхона ишчилари касб-хунари коллежларини битирган ёшлардир.

Корхонанинг табиий шарбатлари чет эллик харадорларда катта қизиқиш уйотмоқда. Яқинда россиялик ҳамкорлар билан экспорт келишувларига эришилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятда бу каби корхоналарни кўпроқ ташкил этиш, замонавий технологияларни ўзлаштирган ёшларни тарбиялаш лозимлигини таъкидлади. Бунинг учун Қашқадарёда имкониятлар ҳам, ишчи кучи ҳам етарли.

Шу ернинг ўзидега Қашқадарё вилоятида 2018-2019 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини ошириш лойиҳалари тақдими бўлиб ўтди.

Китоб туманидаги "East Agro International" МЧЖ томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш лойиҳаси доирасида йилига 8 миллион шартли банка сабзавот консервалари ва жемлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Корхона 2018 йилнинг учинчи чорағида ишга тушириш мўлжалланмоқда. Корхона тўлиқ қувват билан иш бошлагач, 60 янги иш ўрни яратилади.

"Дармон шарбати" корхонаси томонидан мева-сабзавотни қайта ишлаш ва болалар таомлари ишлаб чиқариш, "Шарофат она Қаҳрамон кизи" агрофирмаси томонидан музлаткич омборхонаси қуриш лойиҳалари ҳам тақдим этилди.

Кейинги манзил Шахрисабз шаҳри бўлди. Давлатимиз раҳбари дастлаб "Дор ут-тиловат" мажмуасини зиярат қилди. Таомилга биндон утганлар хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

"Дор ут-тиловат" мажмуаси Қўқ гўмбаз масжиди, Шайх Шамсиддин Кулол, Гўмбаз Саййидон макбаралари ва ҳўжралардан иборат бўлиб, улар асосан XIV аср охири XV асрнинг биринчи ярмида бунёд этилган. "Дор ут-тиловат" сўзи "Қуръон ўқиладиган ёки тиловат қилинадиган жой" маъносини англатади.

Қўқ гўмбаз масжиди буюк олим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек томонидан 1434-1435 йилларда қурилган. Мирзо Улуғбек масжидни отаси Шоҳрух номидан бобоси Амир Темур шароғида бунёд эттирган. Кириш пештоқи равоғида уларнинг номлари ва қурилиш қонани битилган.

Шайх Шамсиддин Кулол макбараси XIV аср охирида барпо этилган. Шайх Шамсиддин Кулол ал Фохурий Амир Темур ҳамда унинг отаси Тарағай Баҳадирнинг устози ва пиридир. У 1370 йилда вафот этган. Амир Темур устози қабри устига макбара қуридирган.

Гўмбаз Саййидон макбараси 1437 йилда Мирзо Улуғбек фармони билан қурилган. Макбара ичидега XV-XVII асрларга оид бир неча қабр тошлари бор. Бу қабр тошлари термизлик саййидларга тегишли. Маълумки, саййидлар Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) авлодидан бўлиб, улуғ зотлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам макбаранинг номи Гўмбаз Саййидон, яъни Саййидлар гўмбазидега ном олган.

Давлатимиз раҳбарининг диний уламолари, меҳнат фахрийлари билан мулоқотида халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида сўз юритилди.

Қашқадарё вилоятини ривожлантириш бўйича жуда катта режаларимиз бор, деди Шавкат Мирзиёев. Қўпгина муаммолар йиғилиб қолган. Уларни ечиш учун ҳаммамиз бир бўлиб ишлашимиз керак.

Амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида Шахрисабз қиёфаси тубдан ўзгарди. Шаҳарнинг тарихий обидалари қайта таъмирланди. Сайёҳлик инфратузилмаси ривожланиб, хизмат кўрсатиш даражаси халқро стандартлар даражасига етказилмоқда.

Президентимиз 2017 йил август ойида пойтахтимиздаги Қатағон қўрбонлари хотираси музейига ташрифи чоғида бир қанча масалалар қаторида Шахрисабз шаҳрида мақом кечаларини ташкил қилиш бўйича қўрсатмалар берган эди.

Айни вақтда миллий ўзлигимизни англаш, маданиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз, аввало, ёш авлодни юксак инсоний тўйгулар руҳида тарбиялаш, унинг эстетик диди ва тафаккурини юксалтиришда мақом санъатининг кенг имкониятларидан фойдаланиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, ижросига кирдирилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

**Жаноби Олийлари,
Муҳтарам Президент!**

Сизга ва Ўзбекистон халқига футбол бўйича 23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Хитойда ўтказилган Осиё чемпионатида мамлакатингиз терма жамоаси голиб бўлгани муносабати билан ўзимнинг самимий табрикларим ва энг яхши тилакларимни изҳор этиш мен учун катта шарафдир.

23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Марказий Осиё минтақасидан биринчи бўлиб Осиё чемпионати голиб-лигига эришган мамлакатингиз жамоаси аъзоларининг бутун мусобақа давомида матонат ва жасорат намуналарини кўрсатгани мақтовга лойиқдир.

Мен ишонаманки, ушбу футболчилар яқин келажакда Ўзбекистон футболини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди ва мамлакатингиз ҳамда бутун Осиёнинг гурури-фтихорига айланади.

Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбек футболни янада юксак поғоналарни забт этишига шубҳа қилмайман.

Сизни ишонтириб айтманки, мафтунқор мамлакатингизда футболни янада ривожлантириш ва тарғиб қилишни тўла қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Самимий тилаклар билан,

**Салмон бин Иброҳим ал-ХАЛИФА,
ОФК президенти,
ФИФА вице-президенти**

БУТУН ОЛАМНИ ЖО ҚИЛГАН ЮРАК

**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи
Президенти Ислам Каримов номидаги
илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида
Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллиги
муносабати билан халқимизнинг буюк
фарзанди хотирасига бағишланган "Бутун
оламини жо қилган юрак" деб номланган
кўргазма иш бошлади.**



ISLAM KARIMOV
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
BIRINCHI PREZIDENTI

80
YIL
1938 - 2016

Кўргазманинг очилишига бағишланган маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ва-зирлик ва идоралар масъул ходимлари, фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, айниқса, лол ва қизгалдоқларни ёқтирарди. Бу табиий гўзаллик унга ҳамиша куч бағишлаган. Суратлардан бирида Ислам Каримовнинг Қашқадарё вилоятдаги тоғли Филон қишлоғи оқсоқоллари билан суҳбати акс этган.

Кўргазма лоллар фонида тасвирланган Ислам Каримовнинг теран нигоҳи... Биринчи Президентимиз дала гуллари, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштироки эди.

Биринчи Президентимизнинг раффиса Т.Каримова, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси раҳбари Т.Ширини ва бошқалар мустақил Ўзбекистон давлатининг асосини, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Каримов Ва-танимизнинг кўп асрлик тарихида ўлмас из қолдирганини таъкидлаб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан халқимиз ҳаётининг ёрқин хотирасини абадийлаштириш борасида кенг қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари амалга оширилётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Абдуганиевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги ва 2017 йил 25 январьдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги Қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Маросим иштирокчилари Ислам Каримов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бадиий кўргазма экспонатлари билан танишди. Кўргазма 2 залга бўлинган. Биринчи залда расомларнинг 57, ҳайкалтарош-

ларнинг 3 асари намойиш этилмоқда. Иккинчи залдан фототарассомларнинг 80 ижодий иши ўрин олган.

Танқили расом Баҳодир Жа-лоловнинг тўқсон асарлари ҳам гўя таъсирчан. Йўлбарс жасур-лик, куч ва иқтидор, буюклик ва қудрат тимсоли. Икки қудрат фалсафаси тасвирланган бадиий композицияни Ислам Каримов вафотидан сал олдин қўрган ва каттиқ таъсирланган. Муҳим ишлар билан бандлиги сабаб та-ассуротларини ифода этишни кейинроқда қолдирганди...

Кўргазма экспонатлари билан танишиш асносида Биринчи Президентимизнинг янги қирраларини кашф этиш мумкин. Бу ердаги ҳар бир асар тарихга дахлдор, дейди санъатшунос-лик фанлари доктори, академик Акбар Ҳакимов. – Шу боис, бу кўргазма халқимиз томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинишига ишончимиз комил.

Шу кун Ислам Каримов ҳайкали пойи гуллarga бурканди. Кенг жамоатчилик вакиллари Биринчи Президентимиз хотирасига ҳўрмат баҳо келтирди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов сўзга чиқди.

**Улуғбек АСРОРОВ,
ЎЗД муҳбири**

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида

ЎТГАН ЙИЛ САРҲИСОБИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан 2017 йилдаги фаолият яқунлари ва истиқболдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Анжуманда қўмита раиси А.Саидов фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш борасида қилинган ишлар хусусида сўзлаб берди. Хусусан, 2017 йилда қонун ижодкорлиги са-марадорлигини ошириш, тайёрланаётган қонун лойиҳалари сифатини яхшилаш, уларни тайёрлашда мутахассис-лар, олимлар, амалиётчилар ва кенг жамоатчилиكنи жалб этиш ва муҳокама қилиш, парламент назоратининг шакл-

лари бўлган – парламент сўрови, депу-татлик сўрови, парламент эшитувлари-ни ўтказиш, демократик институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшларнинг ҳуқуқларини му-ҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳўж-жатлари ва Давлат дастурининг ижро-сини назорат қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Қўмитанинг ўтган йилги фаолият ре-жасига қонун ижодкорлиги йўналиши-

да 6 қонун ҳўжжати ишлаб чиқиш ки-ритилган бўлиб, амалда 12 та қонун тай-ёрланди ва қабул қилинди. Улардан 2 таси янги қонун, 1 та миллий дастур, 9 таси амалдаги қонун ҳўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда tutувчи қонунлардир. Эътибор-ли жиҳати, қабул қилинган ҳўжатлар-дан 9 таси қўмита аъзолари томонидан қонун ташаббуси ҳуқуқи асосида иш-лаб чиқилди. Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқла-ри ва қонуний манфаатларини ҳўйма қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги, "Жа-моат назорати тўғрисида"ги қонунлар ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Ўзбе-кистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ва "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғриси-да"ги янги тахрирдаги қонунларни ай-тиш мумкин.

2017 йил қўмита аъзолари Сирдарё вилоятида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсо-қоли) ва унинг маслаҳатчилари сайло-ви тўғрисида"ги, Фарғона вилоятида "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, Қашқадарё вилоятида "Вояга етмаган-лар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбу-зарликларнинг профилактикаси тўғри-сида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижросини ўрганди. Уларнинг яқунлари бўйича тегишли та-всиялар ишлаб чиқилиб, қўмитанинг те-гишли қарорлари қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда)




• Самарқанд давлат университетидега "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов фаолияти хроникаси (Солинома)", "Ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилув-чи кучидир", "Юксак маънавият – енгилмас куч" ва "Президентга мактублар" китобла-рининг тақдими бўлиб ўтди.

• Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида Ўзбе-кистон Республикаси Президенти девони-нинг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳўйма қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожа-

атлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати, тегишли ва-зир-лик ва идоралар мутасаддиларидан иборат Республика ишчи гуруҳи томонидан омма-вий қабул ўтказилди. Оммавий қабул да-вомида давлат ва жамоат ташкилотлари, ма-ҳаллий ҳўкимликлар вакилларида иборат гуруҳ тўрт секторга бўлиниб, аҳолини қий-наётган ушбу муаммоларни жойига бориб ўрганди. Аниқланган камчилик ва қилинган мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

• Заңгиота туманида жойлашган "Highway Logistics" замонавий логистика марказида ташқи иқтисодий фаолият катнашчилари учун семинар-тренинг ўтказилди.

• Жиззах политехника институтида Ўзбе-кистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбати "Томорқа – қўшимча даромад ман-баи" деб номланди.



• Италиянинг Венеция шаҳрида дунёга машҳур аънавий карнавал италян кино-режиссёри Федерико Феллини фильмлари-даги мусикалар садоси остида бошланди. Таъкидлаш жоизки, ушбу карнавалга XI аср-ларда асос солинган бўлиб, у икки ҳафта давом этади. Карнавални томоша қилиш учун бу ерга минглаб хорижлик сайёҳлар ташриф буюради.

• Иорданияда бўлиб ўтган кимошди сав-доларида енгил автомашина учун 77-7 ра-қами бир ярим миллион долларга сотилди.

• Афғонистон пойтахти Кобул шаҳридаги ҳарбий академия атрофида беш нафар жан-гари томонидан амалга оширилган террор-чилик ҳаракати натижасида 11 киши ҳалок бўлди, 15 нафар одам жароҳат олиб, касал-хоналарга ётқизилди. Терактни амалга ошир-ган жангариларнинг барчаси йўқ қилинди.

ҚАШҚАДАРЁ:

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ
ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ИСЛОҲОТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур қарорга кўра, 2018 йилдан бошлаб Шахрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш режалаштирилган.

Президентимиз Шахрисабз шаҳрига ташрифи давомида Оксарой майдонида мазкур анжуманини ўтказиш учун зарур маданий инфратузилма иншоотларини барпо этиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди. Халқаро мақом санъати анжуманининг илмий-иходий концепцияси ҳақида маълумот берилди.

Оксарой майдонининг тарихий қисмида мақом санъатига бағишланган музей ва марказ ташкил этиш кўзда тутилган. Шунингдек, шаҳар маданият саройини капитал таъмирлаш, Оксарой майдонидаги Мақом маркази ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолиятини такомиллаштириш тадбирлари белгиланган.

Машҳур санъаткоримиз Юнус Ражабийдан кейин, афсуски, ҳеч қим мақом санъатини ривожлантириш билан жид шуғулланмади. Мақом санъати усталари жуда кам қолган. Уларни қўллаб-қувватлашимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев шу ерда мақом санъати усталари билан учрашиб, мақом санъати истиқболлари, халқаро мақом санъати анжуманини юксак савидага ўтказиш ҳақида суҳбатлашди.

Ташрифи доирасида Президентимиз Оксарой майдонидаги "Коба" маданият мажмуасида вилает иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳалар билан танишди.

Лойиҳалар иқтисодий жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, барчаси аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган.

Дастлаб Қашқадарё вилаетида 2018-2019 йилларда туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш режаси тақдим қилинди. Режага кўра, 167 лойиҳа амалга оширилади. Хусусан, замонавий меҳмонхоналар барпо этиш, транспорт хизматлари кўрсатиш, дам олиш ва кўнгилолчар ҳудудлар ташкил этиш, тарихий-маданий обидларини таъмирлаш кўзда тутилган. "Ўзбектуризм" давлат қўмитаси томонидан тақдим этилаётган лойиҳалардан яна бири эко ва этнотуризмни ривожлантириш, Амир Темур туғилган манзилни туризм масканига айлантиришга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари бутун дунёда қўллаб-даватлар бу соҳани ўзлаштириб, катта даромад олаётганини таъкидлар экан, юртимизда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш бўйича топшириқлар берди.

Яна бир муҳим ташаббус Қашқадарё вилаети қўл қаватли уй-жой фондини таъмирлаш дастурини амалга ошириш ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган. Вилаетда жами 1 минг 656 та қўл қаватли уй-жой бўлиб, уларга 151 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади. Маълумотларга кўра, ўтган йили 346 та қўл қаватли уй-жой таъмирланган. Тижорат банклари томонидан 13 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилган. Жорий йилги дастурда 48,1 миллиард сўм жалб этиш кўзда тутилган.

Қашқадарё вилаети бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлар ва солиқ тўловчилар сониг, йирик корхоналар томонидан бюджетга туланидиган туловлар, жорий йилги прогноз кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотлар навбатдаги тақдиротда намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёевга жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари ва ер майдонларини ҳисобга олиш ва солиқ ундириш ҳисобидан бюджетга тушувлар, туман ва шаҳар солиқ инспекцияларининг намунавий тузилмалари тўғрисидаги лойиҳаларни соҳа раҳбарлари тақдим қилди.

Вилаетда ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳасида ичимлик суви олиш иншоотлари қуриш, 77 километр магистрал, 162 километр ички тармоқ тортиш, 16 та сув тақсимлаш иншооти қуриш режалаштирилган. Тошгузар – Шахрисабз – Китоб темир йўлини модернизация қилиш ва электрлаштиришни назарда тутуви лойиҳа Шахрисабз шаҳрига тезкор поезд қатновини йўлга қўйишни кўзда тутди.

Бугунги кунда вилает аҳолиси тоза ичимлик суви билан тўла таъминланганини ачинадирди, деди Президентимиз. Бу долзарб масалани киска вақтда ҳал қилиш учун бор имкониятимизни ишга солишимиз лозим.

Шахрисабз шаҳри ва туманида меҳнат бозорини барқарорлаштириш бўйича "йўл харитаси"га алоҳида эътибор қаратилди. Лойиҳадан вақтинча ишсизлар ҳақида маълумот, касбга ўқитиш марказларини ташкил этиш, касбларга бўлган талаб каби маълумотлар ўрин олган.

Президентимиз вақтинча иш билан банд бўлмаган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг муҳим масаласи эканини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари қайси вилаетга ташриф буюрмасин, албатта, ёшлар, уларнинг тарбияси масаласига алоҳида эътибор қаратади. Халқимиз – болажон. Фарзандлари ўзидан ўзишсини, ҳар томонлама ривожланган, баркамол бўлиб улғайишини ният қилиб яшайди. Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга давлат муассасалари билан бирга, нодавлат бoғчалар ҳам кенг жалб этилаётгани замрида ана шу эзгу орзу-умидлар мумкин.

Президентимиз Шахрисабз шаҳрида давлат шериклиги асосида ташкил этилган "Вундеркинд" (Билимдон бола) номли хусусий мактабгача таълим муассасаси фаолияти билан танишиш асносида асосий эътиборни айтиш шу масалага қаратди.

Инглиз тили ва компьютер билимларини чуқур ўргатишга иктисослаштирилган мазкур нодавлат бoғчада мактабгача таълимда бола шахсини ривожлантиришга қўйилган давлат талабларининг асосий йўналишлари қамраб олинган. Ҳар бир қаватдан юқинчи толарнинг интеллектуал, эстетик ва жисмоний салоҳиятини ўстириш учун унумли фойдаланилган.

Биринчи қаватда мусиқа ва рақс, спорт заплари, шахмат-шашка хонаси, мўъжаз кўйроқ театри жойлашган. Иккин-

чи қаватда ошхона, тиббиёт хоналари мавжуд. Учинчи қаватда мактабга тайёрлов гуруҳи ва кичик ёшдаги гуруҳлар учун машғулот хоналари, 2 та ётоқхона ўрин олган. Ховлидаги ўйин майдончасида турли аттракционлар ўрнатилган.

Президентимиз муассасада яратилган шароитни юксак баҳолади. Мазкур бoғча мисолида Шахрисабз шаҳрида яна 25 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш, бoғча мудираси, Зулфия номидаги Давлат мукофот совриндори Шахноза Холмаҳмадовага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиль совға қилиш бўйича топшириқ берди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда Қашқадарё вилаетида хусусий шериклик асосида ҳамда давлат томонидан қуриладиган мактабгача таълим муассасалари дастури тақдироти билан танишди.

Шу кунни Президентимиз раислигида Чироқчи тумани ҳокимлиги биносида Қашқадарё вилаети фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили вилаетда бажарилган ишларни таҳлил қилиб, жорий йил ва яқин истиқболда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб чора-тадбирларни белгилаб берди. Видеоалоқа орқали барча туманлар фаоллари билан ҳам мулоқот қилинди.

29 январь кунни давлатимиз раҳбари Қарши туманидаги Абу Муин Насафий зиёратгоҳида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилаетига ташрифи чоғида Абу Муин Насафий мақбарасини обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратчиларга зарур шароитлар яратиш, бу масканда кутубхона ташкил этиш, буюк олим асарларини халқимизга етказиш бўйича тавсиялар берган эди.

Айни пайтда мазкур зиёратгоҳда кенг қўламли таъмирлаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Абу Муин Насафий калом илмининг буюк намояндаларидан бири бўлиб, Абу Мансур Мотуридий асос солган мотуридия таълимотининг дунёда кенг тарқалишига салмоқли ҳисса қўшган алломалардандир.

У киши илму урфонда етук, зиёли бир оилада улғайган. Аждодларидан асарияти, айниқса, фикҳ илми соҳасидаги улкан салоҳиятлари билан халқ орасида обрў қозонган. Абу Муин Насафийнинг катта бобоси Махсуд Насафий Имом Мотуридийнинг шоғирди бўлган. Бобоси Муътаммид асри Махсуд Насафий эса ханафий олимлар орасида машҳур эди. Абу Муин Насафий бошланғич илми бобоси ва отасидан олади.

Араб олими Хайриддин аз-Зириклий "Ал-Аълум" асарига ва Умар Ризо Каҳҳола "Муъжам ал-муаллифийн" асарига Абу Муин Насафийнинг 1027 йил Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳрида туғилганини зикр этган. Унинг вафоти ҳақида эса ақсар манбаларда 1114 йил кўрсатилган.

Жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланадиган Абу Муин Насафий асарлари орасида "Табсират ал-адилла фи усул ад-дин аъла тариқати Абу Мансур ал-Мотуридий", "Баҳрул-калом фи илм ул-калом" ва "Ат-таҳид ли қоваяидит ул-таҳид" китоблари жуда эътиборли ҳисобланади. Унинг "Табсират ал-адилла фи усул ад-дин аъла тариқати Абу Мансур ал-Мотуридий" (Дин асосларини имом Абу Мансур Мотуридий тариқатидаги биноан далиллар билан шарҳлаш) асарига мотуридия таълимоти далиллар билан шарҳланади. Олимнинг "Баҳр ул-калом фи илм ул-калом" асари мотуридия мактабининг калом илми бўйича асосий манбаларидан биридир.

Давлатимиз раҳбари уламолар билан суҳбатда буюк бобоклонимиз асарлари бутунги кун учун ҳам гоят аҳамиятли экани, уларни қайта наشر қилиб, мазмун-моҳиятини ёш авлодга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз зиёратгоҳда сақланаётган қадимий Қуръон нусхасини кўздан кечирди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Қарши туманидаги "Бахт" кўп тармоқли фермер хўжалигига ташриф буюриб, вилаетда амалга оширилаётган иқтисодий лойиҳалар билан танишди.

2001 йилда ташкил этилган "Бахт" фермер хўжалиги 278 гектар ерда чорвачилик, паррандчилик, тўқичилик, йилкичилик, қўнчилик билан шуғулланади. 4 гектарда интенсив боғ, 1 гектар майдонда иссиқхона ташкил этилган. Хўжаликда ўтган йили 55 тонна гўшт, 355 тонна сўт, 64 минг дона тухум, парранда гўшти, балиқ етиштирилган. Гўшт ва сўт шу ёрнинг ўзига қайта ишланиб, бозорга тайёр махсулот ҳолида етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари фермер хўжалигига қўшимча тармоқларни ишга тушириш ҳисобига янги иш ўринларини янада қўлайитириш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда вилаетда озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш, ағчик қалампири, қорвак плантациялари ташкил этиш, чорвачилик, қурқачилик мажмуалари, пистазор ва ёнғоқзорлар барпо этиш, сутни қайта ишлаш, асаларичилик лойиҳалари тақдироти ҳам ўтказилди.

Президентимиз ўрмон хўжаликларига интенсив усулда қўнч етиштириш ҳамда ўрмон фонди ёрларидан самарали фойдаланишга оид лойиҳа билан танишар экан, Тошкент давлат аграр университетини магистратурасини битириб, Шахрисабз туманида 4 соти ерда 6 ойда 50 мингта I йиллик лимон қўнчати етиштирган Акбар Саидовнинг инновацион ишланмасига алоҳида тўхталди.

Интенсив усулда, микроклимат шароитида парваришланган бу қўнчалар одатдагига қараганда икки марта тезроқ ўсади.

Лимончилик нафақат Қашқадарё воҳаси, балки мамлакатимиз учун сердаромад соҳалардан. Бу тармоқни ривожлантириш иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, қўшимча даромад манбаини яратишга хизмат қилади. Шу боис мазкур истиқболли йўналишни қўллаб-қувватлаш, Шахрисабз мисолида лимончилик уюшмасини ташкил этиш лозим, деди Шавкат Мирзиёев. Янги уюшманинг таъсисчиси "Агробанк" бўлади.

рилан бўлса, 2017 йилда қўмита аъзолари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув ҳамда хўжалик органларига жами 46 депутатлик сўрови киритилди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида фуқаролар мунозабатларини кўриб чиқиш бўйича фаолиятга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда 2018 йил амалга оширилиши керак бўлган асосий вазифалар ҳақида тўхталиб ўтилди. Жумладан, жорий йил нодавлат нотижорат ташкилотлари учун 15 миллиард сўм маблағ ажратилди. Таъкидланганича, маблагнинг асосий қисми грантларга тақсимланади. Энг асосий грант "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда ННТларни кенг жалб этиш ва уларнинг фаол иштирокини таъминлашга йўналтирилади.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Нурилло НАСРИЕВ

Қашқадарё вилаетида терини қайта ишлаш ва чарм-пойабзал кластерини барпо этиш, аҳолини тухум ва парранда гўшти билан таъминлаш, "Ўзур текстиль импекс" МЧЖ томонидан енгил саноат мажмуаси ташкил этиш, лалми ерларда доривор ўсимликлар етиштириш ҳамда Миришкор туманида қалава ип ва трикотаж мато ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам атрофчи муҳрама этилди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев Хонобод ҳарбий аэродромда бўлди. Учувчилар билан суҳбатда мамлакатимизнинг янги Мудофаа доктринаси мазмун-моҳияти, Ватан ҳимоячиларининг бурч ва масъулияти ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қалбларни ғурурга тўлдирувчи, юракларни ҳаяжонга солувчи мамлакатнинг бош қўшиғидир. Уни ҳар сафар тинглаганимизда кўнглимизни шу юртининг фарзанди эканимиздан ифтихор туйғулари қамраб олади.

Шу ҳажонини ўзининг истеъдоди билан дилларга сингдирган, она Ватанга муҳаббатининг сўзлар орқали ифодасини топан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеърлари кириб бормаган хонадон йўқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил февраль ойида Қашқадарё вилаетига ташрифи чоғида Қарши шаҳрида Абдулла Орипов ҳайкалини яратиш лойиҳаси билан танишар экан, лойиҳани такомиллаштириш, бу ерда Абдулла Орипов номидаги мактаб ва унинг ижодида бағишланган музей ташкил этиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Орадан қарийб бир йил ўтди. 29 январь кунни давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳа ижроси билан танишди.

Такомиллаштирилган лойиҳа асосида бу ерда Ўзбекистон Каҳрамони Абдулла Орипов номидаги иктисослаштирилган мактаб-интернати барпо этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 майдаги "Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга иктисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида бунёд этилган илм даргоҳи олдига қаҳрамон шоиримизнинг ҳайкали қад ростлади. Ҳайкал орқасидаги деворга шоирнинг шеърларидан намуналар битилди.

Мактабнинг биринчи қаватида Абдулла Орипов музейи ташкил этилди. Музейга шоирнинг буюмлари, унга қилинган турли совғалар жойлаштирилди.

Мактаб 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, 50 ўринли ётоқхона, 50 ўринли ошхона, 200 ўринли фаоллар залига эга. Мактабга ўқувчилар 5-синфдан танлов асосида қабул қилинади.

Шавкат Мирзиёев мактаб фаолияти билан танишди. Музей, ўқув хоналарида бўлди, мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашди.

Мактаб ўқувчилари Ибройим Юсупов, Муҳаммад Юсуф, Ҳамид Олмонж ва Зулфия номидаги мактаблар ўқувчилари билан онлаин боғланиб, мушоира ўтказди. Абдулла Орипов шеърлари ва ўзлари ёзган шеърлардан намуналар ўқиб берди.

Давлатимиз раҳбари уларга Абдулла Ориповдек буюк шоир номига муносиб бўлиш, ўз истеъдодлари билан жаҳонга машҳур инсонлар бўлиб етишиш тилакларини билдирди. Бир ғуруҳ ўқувчиларга совғалар топширди.

Қашқадарё вилаетида тўқимачилик ва тикув-трикотаж махсулотлари ишлаб чиқаришни қўлайитириш, жараёнга хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш, махсулотларни экспортга йўналтириш бўйича тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 йил Қарши туманида "LT Textile International" хорижий корхонаси, Қарши шаҳрида "Sulton Tex Group" хусусий корхонаси ва бошқа ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари Қарши тумани "Қоратепа" кишлоқ фуқаролар йиғинидаги Файзобод кишлоғида жойлашган "LT Textile International" хорижий корхонасида бўлди.

Президентимиз ўтган йил февраль ойида Қашқадарё вилаетига ташрифи доирасида ушбу корхонада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишган, қурувчиларга ўз маслаҳат ва тавсияларини берган эди.

Хитойлик инвесторлар маблага эвазига бунёд этилган мазкур корхонанинг биринчи босқичи 2017 йил июль ойида фойдаланишга топширилди. Бу ерга Германия ва Швейцариядан замонавий ва энергетикакортор тўқимачилик асбоб-ускуналари келтириб ўрнатилди. 700 дан ортиқ иш ўрни яратилди. 60 нафарга яқин ёшлар Хитойда касб маҳоратини ошириб қайтди.

Корхонада пахта толаси қайта ишланиб, йилгига 22 минг тонна ип-калав ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Махсулотнинг асосий қисмини экспортга йўналтириш кўзда тутилган. Ўтган даврда 4 минг 600 тоннадан зиёд пахта толаси қайта ишланиб, 3,5 минг тоннадан зиёд қалава-ип экспорт қилинди.

Президентимиз ушбу корхона фаолияти билан танишди, ишчи-ходимлар билан мулоқот қилди. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшадиган хорижлик инвесторларга барча шароит яратилиши айтилди.

Бизнинг асосий мақсадимиз экспорт фаолиятини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдир, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда Қашқадарё вилаетида тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш дастури тақдим этилди. Хусусан, "LT Textile International" маъсулияти чекланган жамиятини ривожлантиришнинг II ва III босқичлари доирасида амалга оширилаётган ишлар лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. 2019 йил иккинчи чорагида лойиҳа фойдаланишга топширилган, қалава-ип ва аралаш ип-газлама ҳажми оширилади, 650 иш ўрни яратилади.

Қарши шаҳридаги "Sulton Tex Group" хусусий корхонасида енгил саноатни ривожлантириш бўйича режалаштирилган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президентимизнинг Қашқадарё вилаетига ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН
АСОСЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида ана шу мавзуда маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тадбирда халқимиз буюк фарзандининг давлат ва сиёсат арбоби сифатидаги кенг қамровли фаолияти ҳақида сўз юритилди.

Биринчи Президентимиз ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ёрқин из қолдиргани таъкидланди. Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, ҳар бир соҳада туб ислохотларнинг амалга оширилиши, энг катта ютуғини бўлиш тинчлик, оқсоқилликнинг таъминланиши, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланиши Ислам Каримов номи билан боғлиқ.

Ислам Каримовнинг серқирра фаолияти, унинг Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз озодлиги йўлида кўрсатган жасорати, фидойилиги, миллатимиз олдидagi юксак хизматларини ёшларимиз онги ва қалбига сингдириш уларда тарихий хотирани янада юксалтиришда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги Қарори буюк Ўртбошимизнинг хотирасини абадийлаштириш, ёшларни унинг бой маънавий меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов – мустақиллигимиз асосчиси томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ёдга олинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари томонидан буюк Йўлбошчимизнинг залворли ва машаққатли ҳаёти, мамлакатимиз тарихини бегаган буюк ишлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ислам Каримов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Г.САТТОРОВА

МАТОНАТ, КАТЪИЯТ,
САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Унинг синчков нигоҳи энг аввало қалбингизга, виждонингизга зийрак разм солаётгандек, она Ўзбекистонимизни, осуда кунларимизни асраб-авайлашга чорлаётгандек гўё...

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ташкил этилган фотокўргазма Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг наинки давлат ва жамоат арбоби, балки оддий инсон сифатидаги фазилатларини ёрқин акс эттиргани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан шу кунларда мамлакатимизнинг барча гўшаларида, таълим масканлари, маҳаллалар, меҳнат жамоаларида буюк Ўртбошимиз, халқимизнинг сеvimли фарзанди Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган маърифий кечалар, ижодий анжуманлар, учрашувлар, кўргазмалар ўтказилмоқда.

Хур ва озод кунларга етишимизда, Ўзбекистон номининг жаҳон узра мустақил давлат сифатида эътироф этилишида, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий жаҳонда эришилган ютуқларимизда Биринчи Президентимизнинг хизматлари бекиёсдир. Истиклолимиз асосининг бутун ҳаёти, умр мазмуни чин маънода қатъият, матонат, фидойиликка йўрилган эди. Унинг Ватанга, халқига садоқати барчамиз учун чин маънода ибрат мактабидир.

– Кўргазмадаги фотосуратлар Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ўз халқининг мард, меҳридаре, танти, виждони уйғоқ ўғлони эканини яна бир бор намоён этмоқда, – дейди пойтахтимизнинг Сергели туманидаги маънавий хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Бехзод Қурбонов. – Алишер Навоий номидаги ушбу маърифат масканининг мувожаҳат биноси ҳам Ислам Каримовнинг ташаббуси ва гоёси асосида қад ростлаган эди. Бугун бу зиё маскани билимга чанқоқ, миннатдор ёшлар билан гавжум. Ўзимиз вояга етаётган шу заминни Биринчи Президентимиздек асраб-авайлаш, унинг равнақи йўлида тинмай меҳнат қилиш бурчимиздир.

Шу кунни Миллий кутубхонада "Менинг Биринчи Президентим" мавзусида туркум

ЭЗГУЛИК УЛАШИШ САОДАТИ

Дурдона Омонкулова бир ҳафта аввал 1-Республика клиник шифохонасига оғир аҳволда – токсик-аллергик кома ҳолатида келиб тушди. Икки нафар фарзандини ёлғиз тарбиялаётган бу аёлнинг юрак қон-томир ва асаб касалликлари хуружи унинг ҳолатини янада оғирлаштирди. Шифокорларнинг ўз вақтида кўрсатган кўмаги сабабли аёлнинг саломатлиги яхшиланди.

– Қизим, энг аввало, шифокорларнинг ширин сўзи, меҳрибонлиги, самимиятидан соғайди, – дейди беморнинг онаси Мавлуда опа Зиёева. – Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик биздек оддий оилаларга қанчадан-қанча қувонч олиб келмоқда.

Аҳолининг турли қатламлари манфаатларини таъминлаш, халқимизни аниқ, манзилли, кучли ижтимоий ҳимоялаш юзасидан амалий чора-тадбирлар тизимли тарзда олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ бу йўналишдаги амалий ишлар ҳажми тобора ортмоқда.

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан юртимизнинг барча ҳудудларидаги алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг шароити атрофича ўрганилди. Таҳлиллар натижасида ёрдам кўрсатилиши зарур бўлган хонадонларга иқтисодий, ижтимоий, тиббий кўмак берилмоқда.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида истиқомат қилувчи Воҳиджон Куданов саломатлиги сабабли болаликдан кўнгли ярим бўлиб ўсди. Унинг хонадонига ҳам касаба уюшмалари ташкилоти вакиллари келганида бемор кўрсатилган эътибордан беҳад мамнун бўлди.

– Мени ҳам йўқлаб хонадонимизга келганлари, кўрсатган иззат-эътиборлари учун жуда миннатдорман, – дейди ўа муҳбирига В.Куданов. – Бундай эзгу амаллар натижасида қўллаб-қувватлаш оилаларнинг ҳаётига янада кўпроқ эзгулик, меҳр-оқибат кириб бормоқда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг хайрия акциялари давом этмоқда.

Назозат УСМОНОВА

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга онд бир қатор талаблар ўз ифодасини топганлигини кўраимиз.

Бугунги кунда юз бераётган иқлим ўзгаришлари ва экологик муаммолар инсоният ҳаёти ва фаолиятига катта таъсир ўтказмоқда. Инсониятнинг тараққиётга эришиши йўлида табиатга нисбатан ҳўжасизларча муносабатда бўлиши атроф-муҳитдаги мувозанатнинг издан чиқишига олиб келмоқда. Бунинг салбий оқибатлари дунёнинг турли минтақаларида тез-тез юз бераётган сув тошқинлари, тўфонлар, ўрмон ёнғинлари, курғоқчилик, музликларнинг эриши, қуш ва ҳайвон турларининг йўқолиб бораётгани, қиш қузаилмайдиган жойларда қутилмаганда қор ёғиши, аксинча, доимо совуқ об-ҳаво ҳўм сурадиган ўлкаларда ҳароратнинг илқ келиши ва яна шунга ўхшаш қўллаб-аномал ҳодисалар мисолида яққол намоеён бўлмоқда.

Улар ҳўжасига ер, сув ва ҳаво муҳитига бўладиган зарарли таъсирларни камайтириш, санат корхоналарида замонавий тозалаш қўрилмаларини ўрнатилиш, мавжуд ер ва қазилма бойликларида оқилона фойдаланиш, жонли табиат генотипининг сақлаб қолиш, шаҳар ва қишлоқларда аҳоли учун қулай шароит яратиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш каби долзарб масалаларни киритиш мўкин.

Жўмладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан амалдаги қўнуқчилик, ҳўқуқни қўллаш ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳам барча соҳаларда, жўмладан, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида муҳим ҳўқуқий манба бўлиб, замонавий талабларни ўзида ифода этганлиги билан ҳам ўта аҳамиятлidir.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларини асосида 30 дан зиёд экологик қўнуқлар ва 1000 га яқин қўнуқли норматив ҳўқуқий ҳўжатларнинг қабул қилинганлиги ҳам экология соҳасига давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётганлигидан далолат бўлиб, ушбу талабларни бажариш барча юридик ва жисмоний шахсларнинг асосий мажбурияти ҳисобланади.

Дунё мамлакатларининг айрим ҳудудларида бебаҳо бўлган ер, сув, ҳаво ифлослашиб, яроқсиз ҳолга келиб қўлмоқда ва баъзи ўсимлик, ўрмон ҳамда ҳайвонот дунёси турлари қисқариб кетмоқда. Бу эса иқлим ўзгариши салбий экологик оқибатларнинг кўчатишига олиб келиб, мамлакатимизда экотизиминг ҳам салбий таъсир қилимоқда.

Демак, ушбу қўрсатма ва концептуал ғоялар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши салбий экологик оқибатларининг олдини олиш, табиат бойликларида оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, мавжуд экологик муаммоларни ижобий ҳал этишга асос бўлади.

2015 йил 29 ноябрда Париж шаҳрида БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенциясининг 21-саммити бўлиб ўтган эди. Саммитнинг барча 195 иштирокчи давлат вакиллари икки ҳафта давом этган қизгин музокарадан сўнг 12 декабрь кўни 2020 йилдан кейин иссиқхона газлари миқдорини камайтириш ҳамда глобал исишни бартараф этиш, углерод манбаи ўрнига қайта тикланувчи энергия манбаларидан

Ўзбекистон Миллий университетидида Ёшлар иттифоқи муассислигидаги Республика ёш олимлар кенгаши нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан “Ёшлар билан мулоқот: муаммо ва ечимлар” мавзўида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.



ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”-ги Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ташкил этилган тадбирда ёшлар муаммоларининг сабабларини тадқиқ этиш, уларни бартараф этишнинг илмий-амалий ечимларини ишлаб чиқиш, шунингдек, бу борада олиб борилаётган ишларни тизимли ташкил этишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини янада такомиллаштиришга эътибор қаратилди.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО ҳамда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муно-

сабатлари вазирлиги, “Тараққиёт стратегияси” маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти мутахассисларининг ёшлар билан мулоқоти, айниқса, самарали бўлди.

Конференция иши ёшларда юксак таълим-тарбия ва маънавий дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, ёшларни ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари, ёшлар муаммоларини бартараф этишда институционал ҳамкорлиқни ривожлантириш, ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятчилик ва ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш омиллари ҳамда ёшлар орасида бандлик муаммоларини бартараф этиш йўналишларида олиб борилади.

Тадбир доирасида меҳмонлар ва иштирокчилар учун ёш тадқиқотчиларнинг инновацион ғоя ва моделлари кўргазмаси, илмий доирадаги учрашувлар ва видеороликлар намойиши ташкил этилди.

Конференциянинг ялпи мажлиси халқаро экспертлар ва мутахассислар иштирокида ўтказилиб, унда БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари Фарид Каранов, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Бадрат Денев ҳамда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманнинг мавзўга доир фикр-мулоҳазалари тингланди.

Конференция якунида фаол иштирокчилар ҳамда сара материаллар муаллифлари ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

Моҳигул ҚОСИМОВА

лат беради. Кейинги йилларда мамлакатимиздаги Маргилон шаҳрининг 2000, Тошкент шаҳрининг 2200, Бўхоро, Термиз, Хива шаҳарларининг 2500, Қариш ва Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги саналарининг нишонлиниши бу қадимий кентлардаги археологик ёдгорликларда узоқ йиллар давомида олиб бориладиган мураккаб илмий археологик тадқиқотлар натижасидир. Бундан кўриниб турибдики, юртимизнинг табиати, унинг бойликлари ва маданий мерос объектлари дунёга машҳурдир.

Мазкур бойликлари муҳофаза қилиш борасида Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги ҳамда Сенат томонидан 2009 йил 29 августда маъқуллаб, илк мартаба қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қўнуқлари катта аҳамиятга эгадир.

Таъкидлаш жоизки, иқлим исиши, яъни ҳаво ҳароратининг глобал ортиб бориши ва бошқа экологик муаммоларни бартараф қилиш жуда мураккаб вазифадир. Чўнки, бу муаммо ҳам “табиат – инсон – жамият” муносабатларига, яъни ўлчаниннинг мувозанатига, уйғун ривожланишига кўпроқ боғлиқдир. Шу маънода, иқлим ўзгариши муаммоси мазмун-моҳиятини чўқур аналлиз, ер шароити, давлатлар, халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлигига эришиш, ҳар бир инсонда “Сайёрамиз – умумий уйимиз” тўғрисида асосда масъулиятини ошириш ҳамда экологик маданиятни шакллантириш мақсада мувофиқдир.

Шунингдек, экологик таълимни такомиллаштириш, экологик муаммоларни бартараф этишда ёшларнинг фаоллигини ошириш борасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Мактабгача таълим ва-

зирликлари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, айниқса Ёшлар иттифоқи ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган “Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича энг яхши ғоя” танловини янада такомиллаштириш мақсада мувофиқдир. Айниқса, замонавий энергия тежасидиган технологияларни жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш мўқобил энергия манбаларидан замон талаби асосида фойдаланишни таъминлашга ҳизмат қилиб, глобал иқлим ўзгаришлари оқибатларини юмшатишга ва экологик муаммоларни ижобий ҳал этишга ёрдам беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда қабул қилинган экологик қўнуқлар ва норматив ҳўқуқий ҳўжатларнинг муҳим аҳамияти ҳам шундаки, улар фўқароларнинг экологик-ҳўқуқий онгини, тафаккурини ва экологик ҳўқуқий маънавияти ва маданиятини замон талаби асосида шакллантириб, экология ва атроф-муҳит билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган жаҳон тажрибаларини ўзида намоеён этгандир.

Мухтасар қилиб айтганда, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги талабларни халқимиз, ёшларимиз орасида кенгрок тўшунтириш, конституцион талабларга кўра қабул қилинган экологик қўнуқлар ва бошқа норматив-ҳўқуқий ҳўжатларнинг моҳиятини янада теран ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда ўз ҳаёти-мизда кенгрок қўллашимиз мавжуд табиий ресурсларни келажақ авлодга бос-бутун қолдириш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга ва экологик муаммоларни ижобий ҳал этишга ёрдам беради.

**Жуманазар ХОЛМУМИНОВ,
ТДЮУ “Экология ва агар ҳўқуқи”
кафедраси профессори, юридик
фанлари доктори**

Юнусобод тумани ҳўкимининг ҚАРОРИ ЮНУСОБОД ТУМАНИДА 2018 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА- ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ- УСҚУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КўРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТўҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-усқуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қўнуқ ҳўжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг 2013 йил 2 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган “Қишлоқ ҳўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор паркларини, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-усқуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (“Ўзбекистон Республикаси қўнуқ ҳўжатлари тўплами”, 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2016 йилда қишлоқ ҳўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор паркларини, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-усқуналарини (бундан бўён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар “DAVTEXNAZORAT” инспекциясининг 2017 йил 20 декабрдаги 489-сонли хатига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Юнусобод туманида 2018 йилда мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотларда қишлоқ ҳўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор паркларини, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-усқуналарини техник кўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ ҳўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия расми) М.Каримкуловага: техникага мулк ҳўқуқи асосида эга шахсларга (бундан бўён матнда мулкдор деб юритилади) техникларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ ўтказиш қўнидан камида ўттиз кўн олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ ҳўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-усқуналарини йиллик техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибининг юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ ҳўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўриқдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўриқдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўриқдан ўтмаган ёки техник кўриққа тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўриқдан ўтказиш учун ўн кўндан ками бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўриқдан ўтказиш учун мулкдордан йўғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўриқдан ўтказмаган ҳолда туман ҳўкимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин;

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу маъзилдаги давлат инспектори томонидан техник доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўрўнома-сига асосан техник кўриқдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга: билдиришномани олгандан сўнг техник кўриқ ўтказилишдан камида беш кўн олдин техник кўриқдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўриқдан ўтказиш учун белгиланган йўғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳўжатни техник доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. Тошкент шаҳар “DAVTEXNAZORAT” инспекцияси (С.Хайитов): ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Туман ҳўкимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (Ж.Набиев) ва Тошкент шаҳар ҳўкимлигининг “Компьютерлаштирилган маркази” ДўКнинг Юнусобод туман тармок администратори (А.Қўлимов):

мазкур қарор “Тошкент оқими” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.yunusobod.uz веб-сайтга қўйлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кўндан эътиборан қўнга қиради.

8. Ушбу қарор қўнга қиргандан сўнг, Юнусобод тумани ҳўкимининг 2017 йил 31 январдаги “Юнусобод туманида 2017 йилда қишлоқ ҳўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор паркларини, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-усқуналарини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги 128-сон қарори ўз кўчинини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳўкимининг ўринбосари Д.М.Халисов зиммасига юклансин.

Юнусобод тумани ҳўкими
Б.Абдусаматов

2018 йил 23 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳўкимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мўкин.


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳўкимлиги Бош молия маҳкамасида тасдиқланган 2018 йил 29 январдаги Реестр № 02-ТТ декларацияга мувофиқ 2018 йил 14 февралдан бошлаб Тошкент шаҳри бўйича янги тарифлар амалда фойдаланишга киритилади.

Сув таъминоти бўйича – 1 м3 учун 195 сўм 00 ҚҚСсиз.
Оқова сув бўйича – 1 м3 учун 165 сўм 00 тўйин, ҚҚСсиз.
Тошкент шаҳар ҳўкимининг 2018 йил 12 январдаги №69-сонли қарорига биноан, 2018 йил учун Тошкент шаҳрида ичимлик суви таъминоти хизматлари тарифларига махсус устам ҳақ миқдори истеъмолчилар учун – 100 сўм. 1 м.кубдан олинмади.

Олмасор туманидаги 1-мактаб томонидан 2006 йилда Рашидова Озода Сафаровна номига берилган O'R'SH № 0530583 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги “Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ китоб муаллифларига бериладиган қалам ҳақи 85 фоизга кўпайди.

Шу пайтга қадар муаллифлик ҳақи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 январдаги “Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан тўлаб келинар эди. Президентимизнинг жорий йил январь ойидан кучга кирган қарори асосида ижодкорлар меҳнати учун янги ставкалар белгиланди.

Бу ставкалар асосида айниқса, болаларга мўлжалланган асарлар учун қалам ҳақи 2,5 баробарга кўтарилди. Мисол учун, мактабгача ва кичик ёшдаги болалар учун насрий асарга буюртма берган нашриёт китобни 20 минг нусхада чиқарадиган бўлса, бир муаллиф тобоғи учун 2 миллион 66 минг 880 сўмдан кам

ИЖОДКОРЛАР ДИҚҚАТИГА: ҚАЛАМ ҲАҚИ ОШДИ

бўлмаган миқдорда ёзувчи қалам ҳақи белгиланган. 20 минг нусхадан кам бўлмаган шеърый китоб муаллифига ҳар бир сатр учун 8 минг 610 сўмдан кам бўлмаган миқдорда қалам ҳақи тўланади.

Илгари нашриётлар томонидан бадий асарлар учун 5 коэффциент кўрсаткичида муаллифларга қалам ҳақи ҳисобланган бўлса, эндиликда коэффциент кўрсаткичи саккизга оширилди. Бу бадий асарларга қалам ҳақи бериш миқдори ҳам қарийб 2 баробарга кўпайди, дегани.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Интеллектуал мулк агентлиги, етакчи нашриётлар бош муҳаррирлари, икти-содчилар, нашриёт ишлари ҳисоб-китобини юритувчи мутахассислар, шоирлар, ёзувчилар ва ОАВ вакиллари иштирокида ўтган “Ижодкорлар меҳнати қадр тоғмоқда” мавзусидаги семинарда шулар маълум қилинди.

– Тизимимиздаги нашриётларда “Назм бўстони”, “Насримиз жавоҳирла-

ри”, “Жаҳон адабиётининг сара асарлари”, “Дунё халқлари эртақлари”, “Адабиёт хрестоматияси”, “Болалар антологияси” каби мавзуларда ранг-баранг китоблар чоп этилмоқда, – дейди ЎЗА муҳбирига Матбуот ва ахборот агентлигининг икти-содий таҳлил, прогнозлаштириш ва молиялаштириш бошқармаси бошлиғи Жамшид Миркомиллов. – Агентлик томонидан эълон қилинган “Тараққиёт стратегияси ва замонамиз қаҳрамони”, “Ислом цивилизациясининг буюк алломалари”, “Қарбий-ватанпарварлик” мавзуларига бадий асарларга ижтимоий буюртмалар лойиҳаси асосида ёзилаётган китоблар учун муаллифларга қалам ҳақининг маълум қисми олдиндан тўлаб берилмоқда.

Семинарда бадий, илмий-оммабоп, болалар адабиётларини нашр этишда муаллиф, таржимон ва бошқа ижодкорларга қалам ҳақи тўланишида қўлланадиган янги ставкаларнинг жорий этилишини таъминлаш бўйича ҳам тушунчалар берилди.

Малоҳат ХУСАНОВА

Спорт янгиликлари

ЎРТОҚЛИК ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Амалдаги Ўзбекистон чемпиони “Локомотив” футбол клуби аъзолари БААнинг Дубай шаҳрида ташкиллаштирилган ўқув-машғулот йиғини доирасида Россиянинг “Рубин” жамоасига қарши назорат ўйинида майдонга тушишди.

Мазкур учрашувда ҳам темирўй-чилар мураббийлари жамоага тақлиф этилган барча янги ўйинчиларни майдонга туширишди. Анча қизиқарли ва мурасасиз кечган беллашувда дарвозалар дахлсиз қолди. Ушбу баҳсга қадар Шотландиянинг “Абердин” жамоасини 2:0

ҳисобида мағлуб этган “Локомотив” хориждаги сўнгги назорат ўйинини Россиянинг “Краснодар” жамоасига қарши ўтказди ва 1:2 ҳисобида енгилди.

Жорий йилги мавсумга Туркияда тайёргарлик кўрган “Пахтакор” Македониянинг “Вардар”

клубига қарши уюштирилган сўнгги назорат-ўртоқлик баҳсини кўтаринки руҳда ўтказиб, рақибини 2:0 ҳисобида мағлуб этди. Достон Иброҳимов, Гиди Канюк голларга муаллифлик қилишди. “Пахтакор”нинг Туркиядаги йиғини якунига етди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

НАВБАТДАГИ РАҚИБ ҚОЗОФИСТОНЛИК БОКСЧИ

Профессионал рингда мағлубият нимагини билмай келатган ўзбекистонлик боксчи Улуғбек Ҳақбердиев 10 февраль куни ўзининг навбатдаги жангини ўтказди.

Санкт-Петербургдаги “Qin Shi Huang” аренасида ўтказилиши режалаштирилган тўқнашувда вақилимиз қозғиштонлик кучли боксчи Айдос Ербоссиновичга қарши рингга кўтарилди. Бу спортчи 2015 йили профессионал фаолиятини бошлаган ва шу вақтгача етти та жонг ўтказиб, уларнинг барчасида зафар қучган. Шулардан олти тасини муддатидан олдин якунлаган.

Улуғбек Ҳақбердиев сўнгги марта ўтган йилнинг 30 сентябрида Россиянинг Троицк шаҳрида мезбон боксчи Дмитрий Сухотскийни техник нокаутга учратган эди.

Ботир ХҲАЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига! Депутатга савол йўлланг!

Ҳурматли фуқаролар! Жорий йил 9 февраль куни соат 10:00 дан 10:30 га қадар Facebook’даги O’zLiDePнинг расмий саҳифаси (Facebook.com/UzLiDeP) ҳамда “ЎзЛиДеП муҳокамага чорлайди” (Facebook.com/groups/126733447933868) номли гуруҳида 27-“Дўстлик” сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Айгул Саттарова билан онлайн-мулоқот бўлиб ўтади.

Депутатга ўзининг қизиқтирган саволларни йўллаб, батафсил жавоб олинг.

Саволларни O’zLiDePнинг Facebook’даги расмий саҳифаси (Facebook.com/UzLiDeP), Toshkent-uzlidep@uamail.uz uzlidepmatbuot@mail.uz электрон манзилларига ҳамда +998 90 924-23-17, +998 97 402-16-12 телефон рақамларига видео, аудио ёки матн шаклида йўллаш мумкин.

ДИҚҚАТ! Депутатга йўллаётган саволингизда исм-шарифингиз, аниқ манзилингиз ҳамда Сиз билан боғланиш мумкин бўлган телефон рақамингизни ёзишни сўраб қоламиз.

Тошкент педиатрия-тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси Шошилин педиатрия, ҳалокат тиббиёти кафедраси профессори
Зухра Султановна УМАРОВАнинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

“PRIME REALTY” МЧЖ ҳамда АТ Халқ банки Мирзо Улуғбек филиали ҳамкорликда 2018 йил 5 март куни соат 11.00да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибиде ўтказиладиган “Очиқ аукцион” савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси, 123-уй (296-сонли касса биносидеда жойлашган, умумий майдони 53,0 кв.метрдан иборат бинонинг бир қисми. Бошланғич баҳоси 120 229 000 сўм. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, М.Улуғбек кўчаси, 71-уй (337-сонли касса биносидеда жойлашган, умумий майдони 38,0 кв.метрдан иборат бинонинг бир қисми. Бошланғич баҳоси 160 069 000 сўм. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, ТТЗ-4 мавзеси, 3-уй (370-сонли касса биносидеда жойлашган, умумий майдони 67,0 кв.метрдан иборат бинонинг бир қисми. Бошланғич баҳоси 150 579 000 сўм. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Корасув-6 мавзеси, 11-уй (402-сонли касса биносидеда жойлашган, умумий майдони 13,0 кв.метр, фойдала майдони 11,34 кв.метрдан иборат бинонинг бир қисми. Бошланғич баҳоси 35 106 000 сўм. Мазкур мулклар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг душанба куни соат 11.00да ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 13А-уйда, савдо ташкилотчилигининг савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдоси қолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкнинг фотиб олиш баҳосидан ташқари “Савдо ташкилотчилиги”га мулк савдоси нархининг 2 (икки) фоиз миқдориде комиссия йиғим тўлаши лозим. Аукцион савдосиде иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидеги талабгорлар тузиладиган зақалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчилигининг АТБ “InfinitBANK”даги 20208000700765990001, МФО: 01041, ИНН: 304844964 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: Аукцион савдосиде қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибде расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, зақалат пули тўлаганлиги ҳақиде тўлов ҳужжати. Ҳар бир мулк учун қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдориде тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел: (0599) 858-01-12, e-mail: info@primerealty.uz, www.primerealty.uz
Лицензия рақами RR 0285

УСТОЗ МУСАВВИР АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Унинг асарлари инсон руҳияти, дунёқараши, орзу-ўйлари ҳақида тўлақонли хабардор бўлиш имконини беради. Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаев ижодида оид кўргазма билан танишган ҳар бир томошабин шундай хулосага келади.

Рассом таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб, “Бизнинг мерос” туркумида ташкил этилган ретроспектив кўргазмада эллика яқин ижодий иш нафис санъат муҳлислари эътиборига ҳавола этилган.

Умрини тасвирий санъат билан боғлаган ижодкор рассомлиқнинг энг мураккаб йўналиши – портрет жанрида асарлар яратган эди. Мохир мусаввир картиналарининг ўзига хослиги улардаги қаҳрамонларнинг ички дунёси, руҳияти теран англаган ҳолда яратилганлигида намоён бўлади. Тарихий портретларни ишлашда эса рассом аждодларимизнинг асарлари, уларнинг фаолиятига оид манбалар, миниатюра қўлёзмаларини муқамал ўргангани эътиборига моликдир.

– Қаҳрамонлари ҳаёти, фаолияти, мақсад ва интилишларини пухта ўрганиш, улар билан ҳамнафас бўлиш устозимиз А.Абдуллаев ижодида устувор ўрин тутар эди, – дейди Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Раҳимжон Ризамухамедов. – У яратган портретларга қарагингиз билан асарда гавдаланган сиймонинг характери, руҳий олами кўз ўнгингизда гавдаланади. Устоз мусаввир асарларининг ҳамон долзарблиги, ёшлар учун сабоқ бўладиган жиҳатлари ҳам шу билан қадридлир.

Кўргазма экспозициясида А.Абдуллаевнинг машҳур ёзуви ва шоирлар, давлат ва жамоат арбоблари, оддий одамлар, турли соҳа вакиллари акс эттирилган картиналари намоиш этилмоқда.

ЖИНОЯТСИЗ КЕЛАЖАК САРИ

Маълумотларга кўра, дунё бўйича экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётган экан. Бугунги дунё ёшлари сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлод ҳисобланади.

Шу боис сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги ана шу ёшларнинг қандай инсон бўлиб камолга етишига боғлиқдир.

Тошкент иктисодиёт ва сервис коллежида бўлиб ўтган тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди. “Жиноятсиз келажақ сари” шиори остида ўтган тадбир ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ташкил этилди.

Мамлакатимиз тараққиёти ҳар жиҳатдан навқирон авлоднинг таълим-тарбияси, маънавияти ва маданиятига боғлиқ эканлиги таъкидланди. Юртимизда ёшларга эътибор, ғамхўрлик кўрсатиш мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг энг устувор йўналишидир. Ҳар бир соҳада қўлга киритилаётган марралар, ютуқлар ана шу ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлашнинг ёрқин ифодасидир.

Ёшларнинг таълим-тарбия олиши билан бирга, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга барча бирдек масъул. Ёшларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш, уларда кучли ғоя ва эътиқодни тарбиялаш бўйича маънавий-маърифий ишларни тизимли йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда ички ишлар ходимлари уюшган жиноятчилик, ғиёҳвандлик, одам савдоси, ғоявий таҳдидлар ахбороти хуружи, диний экстремизм ва миссионерлик ҳаракатлари тинчлик ва оқсоқилликка салбий таъсир ўтказиши, терроризм ва дин никибидеги сиёсий экстремизм халқро муаммога айланганини қайд этди. Бу иллатлардан ёшларни асраш, уларда мафруравий имунитетни кучайтириш лозим. Ёшларни эзгу мақсадлар сари руҳлантириш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш давр талабидир.

Тадбирда мамлакатимизда турли зарарли иллатларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида маълумот берилди. Ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди. (ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси Махсуслаштирилган автоҳўжалиги DAMAS, NEXIA, LACETTI ва HYUNDAI автомобилларининг эҳтиёт қисмлари, аккумулятор батареялари, автошина, антифриз, тормоз суякчилиги ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари сотиб олиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Манзил: Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 34. Тел: 274-94-83, 274-19-14.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 31 январь куни ҳаво ўзгариш туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7 даража соғуқ, кундузи — 2-4 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 31 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшом

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишни мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@uamail.uz
Буюртма Г. 135

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10368 нусхада босилди.
Қозғ бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ахмад АҚРОМОВ